

Меъёр бўлса бари гўзал



19:00 / 29.05.2022 3198

Футбол спорт тури "миллионлар ўйини" деган жумла эскирди. Эндиликда у "миллиардлар ўйини"га айланиб бўлди. Битта копток кетидан миллиардлаган одам югуриб юради. Муқояса қиладиган бўлсак, бизнинг ҳақ динимиз исломга эътиқод қилувчилар сони ҳам деярли шунчани ташкил этади. Бугунги кунимизда футбол шу даражада актуал мавзуга айланиб кетдики, бунинг ортидан неча-неча инсонлар "қирпичоқ" бўлмади дейсиз?! Тўғри,

Ислом спорт билан шуғулланишни инкор этмаган, лекин уни ҳаёт тарзига айлантир демаган. Шунингдек, ёшлар ўртасида ҳам турли қиморбозлик ўйинлари авж олган. Динимиз эса қимор ва унга доир бўлган жамики ўйинларни қатъиян ҳаром этганидан бохабарсиз. Гапнинг индаллосига ўтиб қўя қолай. Киши дунё ишига қанчалик кўнгил боғласа, Аллоҳ таоло ҳам унинг қалбига дунёга бўлган муҳаббатни солиб қўяди. Мусулмон учун бу каттагина мусибатдир. Келинг, бироз тафаккур қилайлик.

Кечалари футбол кўриб чиққан инсон билан, тунлари бедор бўлган инсон баробар бўлурми? Қимор ўйнаб бойлик орттирган киши билан, ҳалол меҳнат билан рўзғор юритаётган киши баробар бўлурми? Дарди дунё ва

дарди охират бўлган киши баробар бўлурми? Бу икки тоифа ҳаргиз баробар эмаслигини сиз ҳам мен ҳам яхши биламиз. Хўш, унда муаммо нимада? Муаммо шундаки, жамиятимизда "менга нима" қабилида яшовчилар кўпайиб кетди. Биз диндошларимизга, аввало, кимнинг бандаси эканлигимиз, кимнинг уммати эканлигимиз, кимлар билан бир дин вакили эканлигимизни англаб етмагунимизгача ҳаргиз муаммоларимизни бартараф эта олмаймиз. Биз бу орқали спорт билан шуғулланадиган ва уни ўзи учун ҳобби сифатида биладиганларни маломат қилмоқчи эмасмиз, билъакс уларга эслатма ўлароқ эслатдик, холос. Ахир, ҳар нарса меъёрида бўлсагина гўзалдир. Шундай эмасми?!

ЎзЖОКУ 1 босқич талабаси Ҳабиб Жўрабоев